

Отабек-Хомид конфликти сиртдан караганда Отабекнинг Кумушга уйланганидан сўнг бошланади. Отабекнинг Кумушга ошиклиги ҳам, Хомиднинг унга харидорлиги ҳам «сир тугилади». Бирок, «сир тугилгани» холда сир тугилаётганига сезилар-сезилмас ишоралар берилганки, бу нарса ўқувчини шу сирни билишга кизикишини кучайтиради-асарга боглаб кўяди.

Дархакикат, Отабек ва Хомид конфликти кайси нуктадан бошланди? Нима сабабдан иккисининг ҳам Кумушга бўлган муносабати асар бошидаёқ очик айтилмади? Билъакс, бу холат маълум ишоралар воситасида ифода этилди?

Асар бошидаги вазиятга эътибор килсак, илк учрашувдаёқ Отабекка нисбатан Хомидда гайирлик, антипатия уйгонганини кўрамыз. Сабаби, ўз шахрининг хар жихатдан «олди йигити» бўлиб юрган Хомид Отабек тимсолида ўзидан бир калла юкори одамни кўрди, табиатига хос ичикоралик окибатида хеч бир сабабсиз Отабекни хушламай бошлади. Шу асно «уйланиш» масаласида бахс кетди. Отабек ва Рахматнинг фикрларига Хомид терс фикр айтгани холда биринчи бўлиб Отабекка «тегиниб» кўрди: «Сенингдек йигитлар (яъни, Отабек ҳам-К.Ш.) учун албатта битта хотин ҳам ортикчалик киладир». Отабекнинг хануз уйланмаганини билгач, Рахмат сўз ташлади: «Бизнинг Маргилонда бир киз бор»...Яъни сўз бораётган кизга эътимоди баланд Рахмат бу ўринда яхшиликни ният килган: Отабекка муносиб каллик борлигини билдирмокчи, холос.

Вазиятга бахо берсак, Отабек ва Хомид бир-бирлари хакида маълумотга эга эмас, хали бир-бирига ракиб ҳам эмас, лекин бу вазиятда Хомиддаги ўзгариш - «ўша киз»га унинг ҳам «харидорлиги»га ишорадирки, умуман бундай ишоралар ёрдамида фикрни даражама-даража ривожлантириб бориш асосида Хомид ва Отабекдаги холат ва кайфиятининг ўзгариши усталик билан кўрсатилган.

Рахмат гапини бошлаши биланок Хомид сўз ким хакида бораётганини тушунди ва «бир турлик вазиятда ер остидан жиянига каради». Гўёки, «бу гапинг ўринсиз, тўхтат» демокчи бўлади. Рахмат тогасининг дилидагидан беҳабар, бамайлихотир давом килади: «Шахримизда Мирзакаримбой отлиг бир савдогар киши бор, бу шунинг кизидир».

Хеч гапдан хабари йўк Рахмат гапида давом килаверади-ю, ўқувчи Хомидни муаллиф нигохи билан кузатади: «Хомиднинг юзидаги бояги холат яна ҳам кучланиб, гўё токатсизлангандек кўринар эди». Хомид бир даража ўзгарди, жиянининг гапдан тўхташини бетокат кутди, лекин Рахмат сўзида давом этди: «Унинг ховлиси пойафзал растасининг бурчагидаги иморатдир».

Шу пайтгача Рахматнинг гапларига «мехмоннинг юзи» учун эътибор килгандай бўлиб ўтирган Отабек нима учундир «гайриихтиёрий бир тебранди». У гап ким хакида бораётганини пойафзал растаси бурчаги тилга олинганидан сўнгина англади, шу боис «унинг юзида бир ўзгариш ва вужудида чайкалиш бор эди».

Тасвирланган эпизоднинг юкорида айтганимизча тушунилишида адибнинг «нуктаи назар»ни ўзгартириш усулидан мохирона фойдалангани мухим ахамиятга эга. Гап шундаки, мазкур эпизод тасвири гох муаллиф, гох Хомид нигохи билан берилади. Албатта, муаллиф сиртдан кузатувчи сифатида Хомидни ҳам, Отабекни ҳам кўриб туради, кўрганига муносабатини билдирган холда ўқувчига «узатади». Бирок, овини пойлаётган йирткичдек хушёр Хомид нигохи ҳам Отабекни бетиним таъкиб этади, у ҳам вазиятни ўзича бахолайди ва бу яна муаллиф оркали ўқувчига етказилади. Отабекдаги бу ўзгариш сабабини на Рахмат, на хозирча ўқувчи билади. Шунга карамай, ўқувчи

«пойафзал растаси бурчаги» билан боглик аллакандай «сир» борлигини хис килади. Шу нуктадан у Хомиднинг Отабекка нисбатан душманлиги вахшийга хос инстинкт билан сезилган душманликдан эканлигини сезади, иккисининг орасида, албатта, зиддият бўлишини сезиб, шуни кута бошлайди.

Хомид илк учрашувдаёқ Отабекнинг ўзидан кўп жихатларда устунлигини, Кумушга хар томондан лойик каллик, ўзига муносиб ва кучли ракиб эканлигини хис килди. Шунинг алам-аччиги билан у ўзининг Отабекдан устунрок эканини исботламокчи (аввало, ўз-ўзига) бўлди. Аввалига у карвонсаройдаги сухбатда (юкорида кўриб ўтдик), кейинрок эса Зиё шохичи хонадонидаги мажлисда ҳам Хомид Отабекни зимдан таъкиб этади. Гарчи бу нарса карвонсаройдаги сухбат тасвиридаги каби аник кўрсатилмаса ҳам, аввалги сухбатдаги холат асосида ўқувчи буни хис килади.

Таништиришдан сўнг Отабекнинг «Мирзакарим кутидорни кўздан кечиргани», унга отасининг дўсти сифатида эмас, «Кумушнинг отаси» сифатида караганини: Отабек билан кутидорнинг кўзлари бир-бирларига тез-тез учраша бошлагани, яъни уларда бир-бирига нисбатан симпатия уйгонганини Хомид кўриб, сезиб ўтиради. Бунга сари Хомид ракобатда ўзининг имкониятлари тобора кискариб бораётганини ҳам фахмлайди. Шунинг аламидан, эхтимол, имкониятларни тенглаштириш ниятида Отабекка зимдан хужум килади. Отабекдан Юсуфбек хожи хакида сўрашди:

-Тошканд беги ёнида мушовир сифати билан турадир.

-Сотки бек кетсин, Азиз бачча денг-деди Хомид.

Шу нуктада Отабекни айбсйтиш учун нишонга унинг отаси олинди: Азизбекнинг уятли хулқи, ўтмиши эслатилиб, Юсуфбек хожи унинг гумаштаси эканлиги писанда килинди, «айб текширилди». Лекин Хомид нишонни ура олмади: «ўринсиз текшириш» мажлисни бироз сукутга юборди-да, сўнгра мажлис Хомиднинг гапига мутлако киммат бермай давом этаверди. Яъни, «айб текшириш» Хомиднинг ўз зарарига ишлади.

Мажлис ахли Отабекни кўкка кўтариб мактай кетди. Шу асно кутидорнинг Отабек уйланган-уйланмаганлигини суриштириши Хомидни ўзининг уринишлари бесамарлигига икрор килиши керак эди. Хомид - енгилишни ёктирмайдиган одам, энг ёмони, у енгилш учун ҳеч қандай воситадан қайтмайди. Кейинрок қонига беланиб ётган жойидан «хакли эдим» дея Отабекка пичок отгани каби, ҳозир ҳам нафи бор-йўқлигига қарамай зарба беради, истехзо билан дейдики: «Балки бегингизнинг таъмалари хон кизидадир».

Мажлиснинг ҳеч бир иштирокчиси унга тараф бўлмагани холда, ҳатто поччасининг ҳам Хасаналининг жавобидан сўнг «тузатилдингми?» дегандек қилиб қараши уни тамоман гарангсйтиб қўйди. Натижа шу бўлдики, Кумушга энг яхши каллик Отабек эканлигини англагани холда Хомид рақибини ҳалол йўл билан енголмаслигига икрор бўлди, унга қарши бошқачарок йўл ва усулларни қўллашга ҳозирлик кўрди...

Ёзувчи қўллаган шу каби, ўзи таърифлаганидек «энг сўнгги приёмлар» асарнинг кизикарли, қахрамонлар ҳатти-харакатининг асосли бўлишига, қисқаси, «Ўтган кунлар»нинг адабий меросимиздаги нодир дурдона бўлиб қолишига олиб келди.

К.Шахобов

Андижон Давлат университети